
Спорт билан доимо ҳамнафас директорлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги “Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантриш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6099-сонли Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон тумани Мактабгача таълим бўлими ташаббуси билан мунтазам равишда турли спорт тадбирлари ташкил этиб келинмоқда.



Хусусан, куни-кеча туман Мактабгача таълим бўлими ходимлари ва 62 та мактабгача таълим ташкилоти директорлари секторлар ҳудудлари кесимида спортнинг бир нечта турлари бўйича ўзаро беллашдилар. Бу ҳақда туман МТБ хабар бермоқда.



Ўзбекистон тумани Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида ташкил этилган спорт мусобақалари ўзаро дўстона ва қизғин баҳсларга бой ўтди.

Спорт мусобақалари якунида барча йўналишларда ўзларининг фаоллигини кўрсатган Яйпан ҳудуди директорлари “Мактабгача таълим бўлими Кубоги”ни қўлга киритдилар.



Спорт билан мунтазам шуғулланиш ва ҳар бир МТТда ҳафта давомида бу каби турли спорт тадбирлари ўтказилиши мактабгача таълим тизими ходимлари ўртасида анъанага айланиб улгурди.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2021-01-11 22:29:05